

Нақадар яхши банда!

16:34 / 27.03.2017 3147

Биз кўпинча “Фалончи қандай яхши одам!”, “Фалона қандай яхши аёл!” деган сўзларни эшитиб қоламиз. Баъзан яқинларимизнинг биз ҳақимизда ҳам шундай дейишгани қулоғимизга кириб қолади. Шу тарзда мақталган киши дарҳол Аллоҳга ҳамд айтиши ва бу нарса қалбига фитна бўлмаслигини сўраши, мақталган яхши ишини янада кўпайтиришга уриниши, ташқи кўриниши мақтовга сазовор бўлганидек, ичини, қалбини ҳам шундай гўзал қилиш пайдан бўлмоғи керак. Энди мақтовчи осмонлару ернинг Робби бўлсачи? У Зот бандасига: “Нақадар яхши банда!” десачи? Бу бахт ҳаммага ҳам насиб этмайди. Фақатгина икки турдаги шахсга насиб этади.

Биринчиси: Мусибатга учраган кимса Роббига юзланса, Унинг ҳикматини, илмининг мукамаллигини, қудратини, тадбирининг гўзаллигини эсласа, зикр қилса ва Айюб алайҳиссаломга эргашиб сабр қилса. Зеро у зот касалликка учрадилар, фақирликка мубтало бўлдилар, фарзандларидан ва яқинларидан айрилдилар. Буларнинг барчаси Ҳақим Зотнинг синови эканини аниқ билдилар ва шунинг учун сабр қилдилар. Натижада Аллоҳ у кишини шундай деб мақтади:

“Дарҳақиқат, Биз (Айюбни) сабр қилувчи деб топдик. У нақадар яхши бандадир! Ҳақиқатан, у (Аллоҳ йўлига) бутунлай қайтувчидир” (Сод, 44).

Иккинчиси: Неъматга эришган кимса Роббига юзланиб, Унинг эҳсонларини, яхшиликларини, ҳадяларини, карамини, марҳаматини ва лутфини эслаб зикр қилса ва бу неъматга шукр қилса, бу ишда Сулаймон алайҳиссаломга эргашса. Аллоҳ таоло у зотга аввал ҳам, кейин ҳам ҳеч кимга бермаган мулкни берди, шамолларни у зотга бўйсундириб қўйди, жин ва шайтонларни у кишига итоат қиладиган ва хизмат қиладиган қилиб қўйди. У зот бу неъмат ва фазилатларни ўзларига нисбат бериб, Мавлолари берган нарсалар ила ғурурга кетмадилар. Балки уларнинг барчасини синов учун берилган деб билиб, дин хизматига, малика Балқис ва унинг қавмини исломга даъват қилиш йўлида тасарруф қилдилар. Натижада қуйидаги зафарга эришдилар:

“Довудга Сулаймонни ато этдик. (Сулаймон) нақадар яхши бандадир! Дарҳақиқат, у (Аллоҳ йўлига) бутунлай қайтувчидир” (Сод, 30).

Сиз ҳам шу шарафга ва илоҳий мақтовга эришиш учун ушбу икки буюк пайғамбарга эргашиш. Аллоҳ таоло бизга уларнинг қиссаларини бекорга келтирмади. Балки уларнинг изларидан боришимиз, уларга эргашишимиз ва нажотга эришишимиз учун келтирди. У Зот шундай деб марҳамат қилади:

“Айнан ўшалар Аллоҳ ҳидоятга бошлаган зотлардир. Бас, (Сиз ҳам) уларнинг йўлига иқтидо қилинг!” (Анъом, 90).

Банда Робби сари уларнинг изларидан бориб, сабр ва шукр мақомида турса, кўзлаган мақсадига, ўйлаган орзусига албатта эришади. Бунинг учун Мавлоси билан аҳдини янгилаб, Унга тавбаи насух қилиб, ўзининг хорлигини, синиқлигини, муҳтожлигини, заифлигини У Зотга изҳор қилса, бу йўлда юқорида тилга олинган пайғамбарлардан ташқари, Набий алайҳиссаломнинг ҳам суннатларига амал қилса, иншааллоҳ, ҳақиқий ютуққа эришади. Мана шу ишлар охираат сари бошланган сафар ва “Нақадар яхши банда!” мақоми учун энг керакли озуқалардир.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг энг яхши бандаларидан қилсин!

Интернет материаллари асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади